



## III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат) ларининг умумий ҳажми 2 382,5 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 103,3 % ни, шу жумладан, дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 2 229,4 млрд. сўмни (103,5 %), ўрмон хўжалиги – 129,6 млрд. сўмни (101,4 %), балиқ хўжалиги – 23,5 млрд. сўмни (101,7 %) ташкил қилди. Республика қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги таркибида Андижон вилоятининг улуши 8,0 % ни ташкил этди.



**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот  
(хизмат)лари ҳажмининг ўсиш суръати**




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг тақсимланиши (%)**



2021 йилнинг январь-март якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар умумий ҳажмининг 93,6 фоизи – дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар, 5,4 фоизи – ўрмон хўжалиги, 1,0 фоизи – балиқ хўжалиги хиссасига тўғри келади.


### **Шахар ва туманлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми**



2021 йилнинг январь-март ойларида, шаҳар ва туманлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Асака (240,0 млрд. сўм) ва Шаҳриҳон (234 млрд. сўм) туманларига қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Хонобод шаҳри (26,0 млрд. сўм) ва Андижон шаҳри (159,0 млрд. сўм), Бўстон (69 млрд. сўм) туманида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.


Вилоят кўрсаткичидан (103,3 %) юқори ўсиш суръатлари Улуг'нор (117,5 %) ва Бўстон (109,0 %) туманларида кузатилди. Андижон (97,2 %), Хонобод (99,6 %) шаҳарларида, Паҳтаобод (101,9 %) туманида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

## Худудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўсиш суръатлари




### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2 220,7 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 103,5 % ни, шу жумладан, дехқончилик маҳсулотлари –141,6 млрд. сўмни (106,2 %), чорвачилик маҳсулотлари – 2 079,2 млрд. сўмни (103,3 %) ташкил қилди.



**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши, % да**



**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг улуси, % да**



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 90,5 фоизи – дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 7,9 фоизи – фермер хўжаликларига, 1,6 фоизи – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

### **Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг худудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши, % да**



2021 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги фермер хўжаликларининг улуси бўйича энг юқори кўрсаткич Улуғнор туманида (28,6 %), дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг юқори улуси Хонобод шаҳрида (100,0 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуси Асака туманида (3,5 %) қайд этилди.


Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуси бўйича энг кам кўрсаткич Булокбоши туманида (2,8 %), дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг кам улуси Улуғнор туманида (70,9 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуси Балиқчи туманида (0,2 %) қайд этилди.

## **Дехқончилик**


2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 141,6 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 106,2 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 6,4 % ни ташкил қилди.

## **Сабзавотлар**


**Ҳажми, минг т.**



**Ўсиш суръати**



**Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да**



Фермер хўжаликлари


Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари

Қишлоқ хўжалиги фаолиятиниамалга оширувчи ташкилотлар





Андижон вилояти бўйича сабзавотлар  
етиштириш ҳажми, тонна



## Чорвачилик



2021 йилнинг январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2 079,2 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 103,3 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуси 93,6 % ни ташкил этди.


Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чоратадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.




2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 41,6 минг т. гўшт (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 4,8 % га кўп), 103,1 минг т. сут (3,1 % га кўп), 52,3 млн. дона тухум (0,3 % га кўп) ва 1 661,0 т. балиқ (1,0 % га кўп) овланди.

### Гүшт (тирик вазнда)


Хажми, минг т.



Ўсиш суръати



*Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг  
хўжалик тоифалари бўйича  
тақсимланиши, % да*



● Фермер хўжаликлари

● Дехқон (шахсий ёрдамчи)  
хўжаликлари


● Қишлоқ хўжалиги фаолиятини  
амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 41,6 минг т. гўшт (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 4,8 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Гўшт ишлаб чиқариш кўрсаткичлари хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил этилганда, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 95,2 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини қайд этиш зарур.




Худудлар бўйича гўшт (тирик вазнда)  
етиштириш ҳажми, минг тонна




## Сут


Ҳажми, минг т.



Ўсиш суръати



*Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да*



● Фермер хўжаликлари


● Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари

● Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 103,1 минг т. сут (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 3,1 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сут ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, сут ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 93,0 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.

**Худудлар бўйича ишлаб чиқарилган  
сут ҳажми, минг тонна**




## Тухум


**Ҳажми, млн. дона**



**Ўсиш суръати**



*Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да*



● Фермер хўжаликлари

● Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари

● Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 52,2 млн. дона тухум (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 0,3 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Тухум ишлаб чиқариш кўрсаткичлари хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, тухум ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 56,7 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.




**Худудлар бўйича  
олинган тухум ҳажми, минг дона**




## Балиқчилик


**Ҳажми, минг т.**



**Ўсиш суръати**



*Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да*




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1 661,0 т. (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 1,0 % га кўп) балиқ овланди. Овланган балиқлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, овланган балиқ умумий ҳажмидан 57,6 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келганини таъкидлаш лозим.

**Худудлар бўйича овланган балик  
ҳажми, тонна**



## Чорва моллари ва паррандалар бош сони




2021 йининг 1 апрель ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қиласиз, йирик шохли қорамолларнинг 5,0 фоизи фермер хўжаликлари хиссасига, 94,3 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 0,7 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда кўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 5,1 фоизи фермер хўжаликларига, 94,4 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 0,5 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, отлар умумий сонидан 17,1 фоизи фермер хўжаликларига, 81,3 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,6 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади шунингдек, паррандалар умумий сонидан 17,3 фоизи фермер хўжаликларига, 70,9 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 11,8 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 1 052,2 мингтага етди.


2020 йилнинг мос даври билан солиширилганда, барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 4,1 мингтага (0,4 %) кўпайди.

### Йирик шохли қорамоллар


*Сони, минг боши*



*Ўсиш суръати*



*Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да*



● Фермер хўжаликлари

● Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари


● Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами йирик шохли қорамолларнинг 94,3 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.



**Худудлар бўйича йирик шохли  
қорамолларнинг умумий бош сони, минг боши**




2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, сигирларнинг умумий бош сони 358,5 мингтага етди.


2020 йилнинг мос даври билан солиширилганда, барча тоифадаги хўжаликларда сигирлар бош сони 1,1 мингтага (0,3 %) кўпайди.

### Сигирлар


**Сони, минг боши**



**Ўсиш суръати**



**Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да**




● Фермер хўжаликлари

● Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари


● Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, сигирларнинг бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами сигирларнинг 94,4 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.




**Худудлар бўйича сигирларнинг  
умумий бош сони, минг бош**




2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, қўй ва эчкиларнинг умумий бош сони 1 442,2 мингтага етди.

2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда қўй ва эчкилар бош сони – 2,2 мингтага (0,2 %) кўпайди.

### Қўй ва эчкилар



*Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да*



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, қўй ва эчкиларнинг бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами қўй ва эчкиларнинг 94,4 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.



Худудлар бўйича қўй ва эчкиларнинг  
умумий бош сони, минг бош

4




2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, отларнинг умумий бош сони 6 653 тага етди.


2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда отлар бош сони – 61 тага (0,9 %) кўпайди.

### Отлар


Сони, бош



Ўсиш суръати



Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да



● Фермер хўжаликлари


● Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари

● Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, отларнинг бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами отларнинг 81,3 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

**Худудлар бўйича  
отларнинг умумий бош сони, бош**




2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, паррандаларнинг умумий бош сони 7 669,0 мингтага етди.


2020 йилнинг мос даври билан солиширилганда, барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар бош сони 15 мингтага (0,2 %) кўпайди.

### Паррандалар


#### Сони, минг бош



#### Ўсиш суръати



#### Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да




● Фермер хўжаликлари

● Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари

● Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, паррандаларнинг бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами паррандаларнинг 70,9 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.



Худудлар бўйича паррандаларнинг  
умумий бош сони, минг бош

